O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 24 май, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 40 (7235)

Da'vat

Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир.

Ibrat

Тахтакўпир туманидаги "Тахтакўпир" ширкатлар бирлашмаси раиси, Олий Мажлис депутати Ағатой Адилов ташаббуси билан ушбу ҳудуддаги 4-, 5-, 7-мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш учун бирлашма ҳисобидан зарур маблағ ажратилди.

"УНИВЕРСИАДА – 2000" СПОРТ АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Барчангизни мамлакатимиз талаба-ёшлари ҳаётидаги муҳим воқеа — камолот, гўзаллик ва спорт байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Бу универсиаданинг айнан "Соғлом авлод йили"да ўтаётгани теран маъно-мазмун касб этади.

Ватан, халқ шуҳратини дунёга тараннум этишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари эришаётган ғалабалар бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

Мен барча ўғил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг умид юлдузлари, эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи, деб биламан.

Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта ўзининг буюк келажагини барпо этади.

Сиз, универсиада қатнашчиларига, янгидан-янги ютуқ ва зафарлар тилайман. Ишонаманки, эл-юрт равнақи йўлида қайси соҳада меҳнат қилишингиздан қатъий назар, спорт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

"Universiada — 2000"

НАМАНГАНДА СПОРТ БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

УНИВЕРСИАДА — мамлакат миқёсидаги кичик олимпиаданинг жорий йилдаги қуйи босқичлари бошланганига бир неча ой бўлди. Бу жараёнда республикамиздаги барча олий ўқув юртларининг талабалари спортнинг кўпгина турлари бўйича ўзаро беллашиб, эпчиллик ва маҳоратларини синаб кўрдилар. Бундан кўзланган мақсад, ёшларни жисмоний ва ахлоқий такомиллаштириш, спортнинг талабалар ўртасидаги нуфузли турларини оммавий ривожлантириш, ёшларни спорт машғулотларига доимий жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бутун жаҳон "Универсиада — 2001" мусобақаларида қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларига номзодлар танлаш кабилардан иборат.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан универсиаданинг финал босқичи Наманган вилоятида ўтказиладиган бўлди. Унинг ўзига хос сабаблари бор. Аввало, Наманган катта спорт иншоотлари базасига эга. Шунингдек, бу ерда юзлаб спорт байрами қатнашчилари ва меҳмонларни кутиб олиш, уларни жойлаштириш, маданий-маиший шароитларни яратиш учун етарли имкониятлар мавжуд. Қолаверса, универсиаданинг қуйи босқичлари бу ерда нисбатан уюшқоқликда, юқори савияда ташкил этилди. Наманган энди нафақат гуллар шаҳри, балки ёш спортчилар диёрига ҳам айланиб бормоқда.

Наманганликлар меҳмонларни илиқ қарши олишди. Куни кеча Наманган Давлат университетида қарийб, 120 киши иштирокида "Ўзбекистонда оммавий спортни ривожлантириш муаммолари" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди. Унда "Универсиада — 2000" ташкилий қўмитаси аъзолари, мамлакатимиздаги олий ўқув юртларининг ректорлари, таклиф этилган меҳмонлар, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари қатнашдилар. Мажлисда Ўзбекистон спортининг ривожланишига ҳукуматимизнинг ҳомийлик қилаётгани, соғлом авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ҳамда айрим муаммоли масалалар юзасидан маърузалар тингланди.

Универсиаданинг очилиш маросими "Навбаҳор" футбол ўйингоҳида юқори савияда, байрамона руҳда ташкил этилди. Майдонга дастлаб Ўзбекиситон байроғи, универсиада байроғи, машъала олиб кирилди. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг универсиада иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапулат Рисқиев ўқиб эшиттирди.

(Давоми 4-бетда)

Umumta'lim maktabi+kollej+oliy o'quv yurti

ДАСТУРЛАР МАЗМУНИДАГИ УЗВИЙЛИК

Маълумки, мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида тубдан янги, андозаси бўлмаган янги таълим тури — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими жорий этилди. Бу таълим тури академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқув муассасаларида амалга оширилади.

Касб-ҳунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаси бўлиб, ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча мутахассисликни эгаллаш имконини беради.

Бу ерда ўқув дастурлари олдинги ўқув босқичи — умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари билан ўзаро мутаносибликда бўлиб, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги тамойилларига амал қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, касб-ҳунар коллежларида ишчи кадрлар эмас, балки кенг ихтисосликдаги кичик мутахассислар тайёрланади. Ўқувчиларга бериладиган ишлаб чиқариш таълими ўқув муассасасининг замонавий жиҳозланган устахоналарида ва корхоналарда ишлаб чиқариш амалиёти билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади. Шу билан бир қаторда умумий билимлар асосларини бериш, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва замон талабларига жавоб берувчи мутахассис бўлиб етишиши учун берилаётган таълим миллий қадриятларимизга ҳурмат, мустақил давлатимизга содиқлик ва ифтихор туйғулари руҳидаги тарбия билан муштаракликда амалга оширишни тақозо этади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар учун давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари мазмунини аниқлаш ва шакллантириш "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмунини шакллантиришда умумий ўрта таълим, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар талаблари, касбий тайёргарликдаги тажрибалар (ҳунар билим юртлари, бизнес мактаблар, техникумлар, коллежлар, ишлаб чиқаришдаги ўқув муассасалар) чет эл тажрибалари ва ижтимоий ҳамкорлар (вазирликлар, концернлар, уюшмалар, товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар палатаси, касаба уюшмалар ва бошқалар), олий таълим мазмуни талабларидан фойдаланилди.

(Давоми 2-бетда)

ОГОҲЛИККА ЧОРЛА, СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Ўқув даргоҳида ўйнадик, кулдик,
Китоб сирларини англадик, билдик,
Неча бор дарёдай қайнадик, тўлдик,
Бу кун юзларимиз бир оз сўлғинроқ,
Ахир, жаранглайди сўнгги қўнғироқ!

Ҳаёт — олий неъмат, учқурдир замон —
Мисли ўқ отишга эгилган камон.
Ер узра ҳамма йўл эмасдир равон,
Бизнинг сўқмоғимиз, балки ўнгирроқ,
Огоҳликка чорла, сўнгги қўнғироқ!

Ўзимиз мушкулни қунт-ла ечармиз,
Орзу осмонида баланд учармиз,
Керак пайт эл учун сувлар кечармиз,
Олдимизда синов кутар оғирроқ,
Мудраб қолсак уйғот, сўнгги қўнғироқ!

Шу юрт фарзандимиз тушмасмиз йироқ,
Юлдузлар йўлида ёқсак-да чироқ.
Доим кўнглимизда шу қутлуғ даргоҳ,
Гоҳида қайтурмиз бўлиб мўминроқ,
Тинглаш учун сени сўнгги қўнғироқ!

Асрор МЎМИНОВ

Munosabat

МИЛЛИЙ КАДРЛАРГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари таркиби фаолиятини ва талабаларини рағбатлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарори матнини ўқиб чиқарканман, кўнгимдан шу фикр ўтди: "Университет ҳамиша: ўтмишда, бугун ва келажакда ҳам ўз нуфузини сақлаб қолади".

Факультетимиз Миллий университет таркибидаги етакчи бўғин ҳисобланади. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларидан келиб чиққан ҳолда, бакалаврлик, магистратура таълими йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирда 300 нафар йигит-қизлар таҳсил олишмоқда.

Факультетимиз энг кўп таълим йўналишини ўз ичига олган. Ўзбекистон ФА тасарруфидаги илмий-текшириш институтлари билан доимий ҳамкорлик ўрнатганмиз.

Улар базасидаги лабораториялар, марказларга мунтазам бориб, ўқув ва амалий машғулотлари ўтказилади.

Бундан ташқари, факультетимизда ЮНЕСКОнинг "Назарий физика ва астрономия" кафедраси очилган.

Хиросима университетининг профессори, жаноб Накамуронинг талабаларимизга бераётган ўқув машғулотлари қизиқарли бўлаяпти.

Қарор ҳар жиҳатдан аҳамиятли ҳужжат бўлди. Биз ўқитувчилар давлат аҳамиятига молик бу қарорнинг ижросидан ҳам модий, ҳам маънавий рағбатланиш туямиз.

Зеро, миллий кадрлар тайёрланаётган бундай даргоҳга нисбатан эътибор биз мураббийларни руҳлантиради.

А.ҚАРАХОДЖАЕВ,
Миллий университет физика факультети декани муовини, доцент

* * *

Қарор ижро учун қабул қилинади, унинг ҳаёт билан боғлиқлиги ҳам шунда. Вазирлар Маҳкамасининг яқинда матбуотда эълон қилинган қарори ҳам кучга кирди.

Миллий университет ҳамиша етук, мукаммал ва салоҳиятли кадрлар тайёрлаб келмоқда. Ана шу даргоҳ талабаси бўлиб таълим олаётганимдан фахрланаман. Ҳукумат қароридаги: "Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Ривожлантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибини ва талабаларни моддий рағбатлантириш жамғармаси тузилсин", деган жумла замирида катта мақсад ётибди.

Хўш, ана шу ғамхўрликларга нисбатан талабалардан нима талаб қилинади? Таълим, мустақил билим, кўнгилли дам, миллий урф-одатларимизга, умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурмат ва ҳоказо. Фаол талабалардан бири сифатида мен буларнинг барчасига тайёрман.

Хуршид РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Дастурлар мазмунидаги узвийлик
2-бет

Бўш вақт — хуш вақтми?
3-бет

Одобсизликнинг «баҳо»си
4-бет

ҚАЛДИРҒОЧЛАР РАҚСГА ТУШГАН ШОМ

OZBEKISTON QOSHIQ BAYRAMI • SAMARQAND 2000 • SAMARQAND, 19-22-MAY, 2000-YIL

Регистон осмонида қалдирғочлар рақсга тушишди. Жонга жонбахш мусиқа ҳатто қушларни ҳам байрамга чорлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида ўтадиган "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқ байрамининг навбатдагиси 21 май куни Самарқанд шаҳрининг етти иқлимга машҳур Регистон майдонида очилди. Кечқурун соат 19 га белгиланган тадбирга тайёргарлик соат 15 даёқ бошланиб, майдон байрам иштирокчиларига тўлиб бўлган эди. Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими вазири Жура Йўлдошев ва Самарқанд вилоят ҳокими ўринбосари Барно Самиевانинг табрик сўзидан сўнг қўшиқ байрамининг концерт дастури бошланди.

Шом — кунботар пайт руҳга ором берувчи энг гўзал вақтлардан бири. Эрталабдан ҳаракатда бўлган одамлар кечга бориб тин олишга тутинадилар. Табиат ҳам ўзининг қудратини намоён қилиб, барча махлуқотни ором олишга чорлайди ва ўзи руҳан тайёрлайди. Кўнгинг тафти босилиб, енгил шабада эсган фараҳбахш онларда Регистон майдони бир-биридан гўзал мусиқа оҳангларига тўлиб кетди. Кўзлари фақатгина гўзалликни кўрадиган, диллари эзгу ҳисларгагина тўлиқ, қилганлари фақатгина яхшилик бўлган, кўнгиллари фақат эзгу орзуларга тўлиқ болалар бир-биридан ўзиб, жўшиб ўз санъатларини намойиш қилишди.

Ҳаёт мантиқига монанд ҳар бир қўшиқнинг авжи бўлади. Қўшиқлар мажмуи — концерт ҳам авжланиб-авжланиб чўққига етишади. Регистон концертининг авжида саҳнада ширин-ширин болалар — беғуборлик тимсоллари рақсга тушар эдилар. Шунда...

Шунда жонга жонбахш мусиқа нафақат одам болалари, ҳатто қушларни ҳам рақсга чорлади. Регистон осмонида эзгуликнинг яна бир тимсоли бўлган қуш — қалдирғочлар чарх уриб, ўйинга тушдилар.

Ватан ҳақида куйлаш жуда осондай туюлади. Аммо бу қўшиқ юракдан чиқиши учун самимий ва беғубор қалб бўлиши керак. Болалар — самимиятнинг энг ёрқин тимсоли, беғуборликнинг рамзи. Самимий кўнгилларнинг пок севгилари тараннуми бўлган қўшиқлар ижро этилди бу кеча.

С. Барноев шеъри, Х. Раҳимов мусиқаси билан байрам иштирокчилари биргаликда ижро этган "Самарқанд" қўшиғи илк бор янгради ва унинг нақоратига томошабинлар ҳам жўр бўлишди.

Байрамнинг очилиш маросимидан қайтаётганимизда мезбон ҳамроҳларимиздан бири "Яна етти-саккиз йилдан сўнг, мана шу болалар улғайишганда кўрасиз, Ўзбекистонимиз энг зўр давлатлардан бирига айланади. Чунки, улар мустақиллик болалари, юраклари фақатгина Ўзбекистонга меҳр, юртга муҳаббат билан тўлиқ. Бу меҳр-муҳаббат мустаҳкам садоқатга айланади", деди.

У ҳаммамизнинг дилимиздаги гапни айтганлигига ишончимиз комил ҳолда, ажаб бир сурур билан йўлда давом этдик.

Қўшиқ байрами хусусидаги муфассал таассуротларимиз билан газетамизнинг кейинги сонида ўртоқлашамиз.

Ҳусан НИШОНОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири.



Суратда: Қўшиқ байрамидан лавҳа.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 май куни Оқсарой қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Бундестаги (парламенти) раиси Волфганг Тирзе раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди ва суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

• 22 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи йиғилиши бўлиб ўтди.

• Саудия Арабистони подшоҳлигининг "Дар ас-Салом" компаниялари гуруҳи томонидан араб тилида чоп этилган Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон буюк келажак йўлида" номли китобининг тақдимот маросими Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида бўлиб ўтди.

• Франция саноатни ривожлантириш уюшмасининг «фаннинг амалиётда қўлланилиши учун» бериладиган олтин медали илмий тадқиқотлар самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор муҳим ишлари туфайли Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтига топширилди.

• Шу йилнинг 20 апрель куни Қамаши туманида юз берган ер силкинишидан айрим аҳоли турар жойлари, маъмурий, маданий-маиший, ижтимоий binolar, жумладан, халқ таълими ва тиббий муассасалар турли даражада зарар кўрганлиги сабаб, Қамаши тумани ҳокимлигида зилзила оқибатларини тугатиш бўйича тузилган республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди, уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси Б.Ҳамидов бошқарди.

• Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Маҳдий Фатхулла Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашди.

Келажак ижодкорлари сифатида бор кучимиз ва маҳоратимизни ишга солиб, нурли келажак сари интилиб яшашни ният қилганмиз.

Янги ўқув режалари мазмуни кўп ихтисосли мутахассисларни тайёрлаш жараёнини ташкил қилишда вариативлик ва мосланувчанлик имкониятларини беради.

So'z — bitiruvchilarga

Ҳаяжонли дақиқалар жуда яқин. Чунки эртага республикамизнинг барча турдаги умумий ўрта таълим муассасаларида 1999-2000 ўқув йили якунланади, «Сўнгги қўнғироқ» тадбирлари бўлиб ўтади. Унга маҳаллий ҳокимликлар, турли ташкилотлар вакиллари, маҳалла фаоллари, ота-оналар қадам ранжида қилишади. Улар устозларга ўз ташаккурларини билдиришиб, битирувчи синф ўқувчиларини мустақил ҳаётга учирма бўлаётганликлари билан табриклайдилар.

Албатта, шу куни битирувчи синф ўқувчилари ҳаяжони ўзгача бўлади. Аълочи ўқувчилар ўқитувчиларига миннатдорона боқишади. Айрим ўғил-қизлар шу куни мактаб даври қайтарилмас имконият эканлигини англашиб, ўзларининг баъзи «шўх»ликларини тан олишади. Бу билан бутун бир ҳаётий ҳақиқат қайта кашф қилинади: Устоз — қуёш янглиғ барчага бирдек илм — зиёсини бахш этаверади... Қуйидагилар ҳам битирувчи синф ўқувчиларининг мактаб жамоасига, устозларига атаб ёзган ўзига хос иқрорномалари, бирон-бир касбни танлаш йўлидаги ҳаракатлари, «Сўнгги қўнғироқ» олди ҳис-ҳаяжонлари, десак муболаға бўлмайди:

ОЛДИМИЗДА КАТТА СИНОВЛАР ТУРИБДИ

ХАЙР, ЭНДИ МАКТАБИМ

Ҳар бир инсон умрини мактаб ҳаётидан бошлагани каби, мен ҳам бундан 11 йил олдин мактаб остонасига илк бор қадам қўйдим. Биринчи қўнғироқ нақадар жарангли эди, ҳали-ҳали қулоғим остида. Биринчи муаллимим менга «Алифбе» китобини берганда, мен қанчалик хурсанд бўлганимни тасаввур қилиш қийин. Биринчи бор бўғинлаб ўқиганим, сонларни жажжи бармоқларим билан рақамлаб санаганим ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Эҳ-ҳе, энди бу кунлар қайтиб келмайди, чунки ёшлик тезоқар дарё. У бирпасда оқиб ўтиб кетади. Ҳар бир ўқувчи мана шундай унутилмас дақиқаларни ҳеч қачон унутмаса керак.

Мактаб — инсон учун муқаддас даргоҳ. Мактабда биз билим, тарбия олдик, дўстлар орттирдик. Унутилмас, қайтиб келмас дақиқаларни бирга ўтказдик. Ҳатто бир-биримиз билан уришиб, жанжаллашиб гап талашган, муаллимимиз берган билимни ўз вақтида олмай, ўйнаб-кулиб юрган кунларимиз ҳам бўлди. Гоҳида мактабга дўстларимизни соғинганимиздан, баъзида ўйин-кулги қилиш учун келдик. Билмасдикки, бундай кунлар қайтиб келмайди. Лекин 11-синфга келганда, негадир билимга чанқоқ, масъулиятли, яна бир йил ўтар-ўтмас мустақил ҳаётга қадам қўйишимизни тушуниб қолдик. Ўзимиздан сўнг яхши ном қолдириш учун дўстлар билан биргалашиб, турли хил кечалар, тадбирлар ўтказдик. Шундай тадбирлар умумий ўтказилгани учунми бизларни бир-биримизга боғлаб қўйди.

Шу икки-уч ой ичида қандайдир жиддий тортиб, шўх, ўйинқароқ дамлар ўз-ўзидан барҳам топти. Ўқув йили ҳам охирлади. Биз, синфдошлар эса ғамгин бўлиб, бир-биримиздан айрилгимиз келмайди. Тўғри, қуйи синфларда бу кунларни орзиқиб кутганмиз. Баъзида дарс қилиш, устозларни тергашию қаттиққўллиги жонга тегиб, «жонга тегди шу мактаб, қачон битирар эканмиз» дея нолир эдик. Зеро, бу кунлар ғанимат экан. Қани энди вақтни орқага қайтаролсаму, бошқатдан мана шу парталарда ўтириб, мазза қилиб, муаллим берган билимни олиб, мактабда ўқиб чиқсам. Лекин одамлар вақтга қарагани билан вақт ҳеч кимга қарамайди.

Мактаб, мактаб дейману, уни юксалтирган, муқаддас қилган ким, саволини ўзимга бераман. Албатта, муаллим. Муаллим — жамият кўзгуси. У — ҳаёт йўлининг сарбони, муҳит боғининг боғбони.

Биз ўқувчиларнинг эътиқодини шакллантириб, қалбимизга йўл топиб берган ҳам устоздир. Одобли болани ҳамма яхши кўради. Ўқитувчи эса одобсизни ҳам меҳри билан яхшилар қаторига қўшади. Муаллимларни қанчалик кўкларга кўтармай, қанчалик ташаккуримни изҳор қилмай, барибир оз. Уларга Оллоҳнинг ўзи сабр-тоқат, куч-ғайрат, матонат ато этсин!

Наргиза ОТАХОНОВА,
Юнусобод туманидаги Тошкент қиз болалар лицейи битирувчи синф ўқувчиси

МЕҲНАТИНГИЗ — ШУҲРАТИНГИЗ!

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий «Махбубул-қулуб» асарида «Деҳқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар...» дея бобо деҳқонга юксак ишонч билдиради.

Деҳқон йил бўйи тер тўкиб ишлаган ҳосилини ардоқлагани каби ўқитувчилар ҳам ўқувчиларининг камол топишларини орзу қилади. Боғбон ҳам ўзи эккан кўчатларини қанчалик яхши парвариш қилса, шунчалик ҳосили яхши бўлади.

Мактабимизга 1999 йилдан янги директор ишга келди. Бу киши математика фани ўқитувчиси Мамаражаб Маматовдир. Устоз ўз иш фаолиятини тартиб-интизомдан бошлади. Бу биз ўқувчиларни жуда қувонтирди, чунки тартиб бор жойда таълим ҳам бўлади-да. Шу билан бирга синфларимиз чиройли қилиб жиҳозланди, синфларда кичик синф кутубхоналари ташкил этилди. Мактабимизда «Ёш адабиётчилар», «Моҳир қўллар», «Ёш математиклар», «Ким эпчилу ким чаққон» каби тўгараклар ишлай бошлади. Бу эса биз ўқувчиларнинг соғлом авлод бўлиб ўсишга ижобий таъсир кўрсатди. Шунингдек, биз ўқувчиларнинг баркамол авлод бўлиб ўсишимизда бутун қалб қўрини, меҳр нурини бериб таълим-тарбия бераётган устозларимиз — она тили ўқитувчиси Шафоат Холмуродова, кимё ўқитувчиси Дилбар Боймуродова, физика ўқитувчиси Дадажоновларнинг хизматлари беқиёсдир...

Хуллас, «Сўнгги қўнғироқ» тадбирлари олдидан 50 га яқин фидойи устозларимизга таъзим қиламиз!

Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги Фафур Ғулом номидаги 46-мактабнинг 11-битирувчи синф ўқувчилари номидан
Умида БОЙМУРОДОВА,
Мунира МАҚСУДОВА

МАКТАБНИ СОҒИНАМАН

Салом, синфдошим! Мана мактабни битирганимизга ҳам анчагина вақт ўтибди. Мен ўша даврни ҳар кеча тушимда кўраман. Тонгда хотирлайман. Сенчи? Балки унутган бўлсанг ҳам яна бир бора эсга ол. Бирга тушган суратларни титкила. Ёдингдами, илк бор мактаб остонасига қадам босганимиз, ҳаяжондан жовдираб пичирлашиб сўзлашганларимиз. Қўлимизга биринчи бор қалам ушлатган муаллимимизнинг ёрқин чехрасию, мулойим сўзларини ҳозир ҳам қўмсайман.

Эсингдами, 5-синфда сен билан жанжаллашиб қолганмиз. Шунда иккаламиз ҳам ўқитувчимиздан роса гап эшитиб, йиғлагандик. Сўнгра бир-биримизга қараб кулиб юборгандик. Эҳ, бу дамлар! Дарс давомида доскага чиқиб, мавзуни айтаётганда, турли қилиқлар билан кулдиришларингни эслаб, ҳалигача бир зум бўлса-да, шу дамга қайтгим келади. Ўқиш тугаса ҳам кечгача қолиб кетишлар-чи? Уйдагилардан кўп гап эшитардик-да...

Бу давр азизлигини 11-синфни тугатиш арафасида жуда чуқур ҳис қилдик. Айниқса, 25 май —«Сўнгги қўнғироқ» арафасида ўқитувчимизга бир қучоқ гул ҳадя қилиб йиғлаганимизда, бу даргоҳдан кетолмаслигимни сездим. На илож, ҳаёт чархпалагини ўзгартирбй ёки тўхтатиб бўлмас экан. Бир замонлар дарс тайёрлатиб орзу қилган ҳаёт сўқмоғи талабалик даврига ҳам етказди. Аммо мен доим сени, жонажон мактабимни ва севимли ўқитувчиларимни соғиниб яшайман!

Марғуба БОБОНАЗАРОВА,
ЎзМУ талабаси

ДАСТУРЛАР МАЗМУНИДАГИ УЗВИЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу таълим турини битирувчиларга қўйиладиган талаблар, таълим стандартлари ва ижтимоий ҳамкорлар талаблари асосида янги ўқув муассасалари ўқув режаларининг модели ишлаб чиқилди.

ЎМКҲТ Маркази ва ЎМКҲТРИ томонидан ишлаб чиқилган ўқув режалари амалдаги ўрта махсус билим юртлари ўқув режаларидан ўзининг мазмунига кўра тубдан фарқ қилади:

Биринчидан, улардаги умумтаълим блокининг ҳажми ва мазмуни махсус ташкил этилган комиссия ишлари натижаларидан келиб чиқиб, умумий ўрта ва олий таълим турларидаги умумтаълим фанлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликни эътиборга олиб белгиланган.

Иккинчидан, ўқувчиларга тайёрлов йўналишлари бўйича чуқур ва мазмунли билим бериш билан бирга уларнинг дунёқарашини ва маънавиятини шакллантирувчи фанлар киритилди.

Учинчидан, умумкасбий ва махсус фанлар блокининг мазмуни касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига қўйиладиган малака талаблари доирасида икки ва ундан ортиқ мутахассисликни ўз ичига оладиган касбий тайёргарликни таъминловчи ҳажмда ва мазмунда махсус фанлар блоки аниқланган.

Тўртинчидан, ишлаб чиқариш таълими ва ишлаб чиқариш амалиётини таъминловчи 700-800 соатлар ажратилган.

Бешинчидан, ҳозирда фаолият кўрсатаётган билим юртларининг ўқув режалари қатъий белгиланган соатлар ва мазмун доирасида чегараланган. Янги ўқув режаларида эса ўқув муассасаси ихтиёрига 70-80 соат вақт ажратилган бўлиб, бу соатлар ҳар бир ўқув муассасасига ўзининг ҳудудий, касбий хусусиятларидан, иш берувчилар ва ижтимоий ҳамкорларнинг талабларидан келиб чиқиб, таълим мазмунига такомиллаштириш ва чуқурлаштириш тадбирларини киритиш учун имконият яратади.

Ўқув режаларидаги ҳафталик юклама ва ишлаб чиқариш амалиётидаги юкламалар меҳнат қонунчилиги ва гигиенаси меъёрларидан келиб чиқиб белгиланган (ўртача 36-38 соат).

Янги ўқув режалари мазмуни кўп ихтисосли мутахассисларни тайёрлаш жараёнини ташкил қилишда вариативлик ва мосланувчанлик имкониятларини беради. Яъни ҳар бир блок ҳажми соҳа йўналишларидаги ихтисосликларга оид фанларни ўз ичида алмаштира олиш, тўлдириш, ривожлантириш имконига эга.

Касб-ҳунар коллежлари ўқув режасининг модели, асосан, тўртта блокдан ташкил топган. Бу ҳар бир блок ўқувчиларни касбий тайёрлашда ўз вазифаларига эга.

1. Умумтаълим, умумкасбий ва шахсни ривожлантириш фанлари блоки — 2550-2650с (57,0%). Миллий мустақиллик ва демократия мафкурасини, илмий дунёқарашни, юксак маданият ва маънавият асосларини, тадбиркорлик, табиий, математик ва бошқа фанлар бўйича фундаментал билимларни ва умумкасбий фанлар бўйича чуқур билимларни шакллантиради; таълим йўналишларининг ихтисослик фанларини ўрганиш учун замин яратади; касбий фаолият учун билим, кўникма, малакалар ва қобилиятларни шакллантиради.

2. Махсус фанлар блоки —476-396с (9,8%). Таълим йўналиши бўйича илмий асослар, касбий фаолият ва кўникмаларни; касбий таълимнинг кейинги поғонасидаги ихтисослик бўйича заруратни тушуниб (бакалавриат) танлашни, таълим йўналишининг илмий-техник ютуқларини, муаммолари ҳамда ривожланиш истиқболларига оид тушунчаларни шакллантиради.

3. Ишлаб чиқариш таълими блоки — 810-610с (15,5%). Умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича олган назарий билимлар асосида ўқувчиларда ихтисосликлари бўйича меҳнат кўникмалари малакаларини шакллантиради.

4. Ишлаб чиқариш амалиёти блоки —810-610с (15,5%) эса ўз навбатида ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиради, ишлаб чиқариш шароити ва меҳнат усуллари билан таништиради.

Коллеж ихтиёридаги соат —76с (16%).

Ўқув режасидаги умумтаълим ва умумкасбий ҳамда махсус фанлар блокидаги соатлар очиқ тизимли бўлиб, касблар, ихтисосликлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирда ишлаб чиқилган таълимнинг меъёрий ҳужжатлари мукаммал ва камчиликлардан холи деб бўлмайди. Таълимнинг ушбу янги тури давлат стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари бўйича тажриба-синов ишлари давом этмоқда. Ҳар бир курс якунлари натижалари, амалиётчи ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари, доимий олиб бориладиган педагогик тажриба-синов ишлари натижалари умумлаштирилиб, ўқув режалари ва дастурлари мазмуни такомиллаштирилиб борилади.

Миллий дастурда кўрсатилиб ўтилганидек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаган битирувчилар олий ўқув муассасаларига киришда бир хил имкониятларга эга бўладилар. Яъни, ўқишни олий таълимда давом эттиришга асос бўладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун бир хил умум таълим дастурлари ҳажмида билим оладилар. Шу билан бирга ўқувчилар академик лицейларда ўқув фанлари бўйича чуқурлаштирилган таълим дастурлари ва касб-ҳунар коллежларида йўналишлар бўйича касб-ҳунар дастурлари асосида билим оладилар.

Ўз навбатида кейинги босқич — олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришни хоҳламаган ёшларимиз ўз эгаллаган касб-корлари бўйича меҳнат бозорида фаолият кўрсатишлари мумкин бўлади.

Таълим бериш, таълимни ташкил қилиш жараёни тизимли тушунча бўлиб, ҳар қандай тизим каби ўқув муассасаларида олинган, шакланган билимлар кўникма ва малакалар мақсадга йўналтирилган ва маълум тузилишга эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам таълим мазмунини танлаш ҳозирги вақтда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мураккаб муаммо ҳисобланади.

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, талабалар томонидан ўрта махсус, касб таълими фанларини чуқур ўзлаштиришни, етарли даражада билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишни, умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанларини турли босқичларда ўқитишда узвийлик ёки изчиллик таъминланишини тақозо этади.

Изчиллик принципини қўллаш бир вақтнинг ўзида билимларни, малака ва кўникмаларни бир босқичдан иккинчисига ўтиш ва ривожлантиришнинг ҳамда методиканинг инвариант принципларидан бўлган, умумлаштириш ва предметлараро боғланиш принципларини эътиборга олишни талаб қилади.

Изчилликни табиат ва жамиятнинг объектив ривожланиш қонуни сифатида қараш мумкин. Изчиллик объектив ва умумий характерга эга бўлиб, ҳар қандай ривожланишнинг узлуксизлигини таъминлайди. Шу билан бирга ҳар қандай ривожланиш жараёни учун изчиллик фарқли бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Демак, изчиллик — борлиқ ва билим ривожланишининг ҳар хил этап ва босқичлари орасидаги боғланишни ифодалайди.

Шундай қилиб, изчиллик илмий билимлар ривожланишининг умумий қонуниятини ифодалаб, янги пайдо бўлган билимлар, маълум даражада олдин ўзлаштирган билимларнинг назарий ғоясини, амалий томонларини ўз ичига олишини кўрсатади.

Ўқитишда узвийлик бу дидактик принцип бўлиб, у таълим мазмунини ифодаловчи ўқув режалари, дастурлар, дарсликларда ўқув материалларининг бир-бири билан мантиқий боғлиқ бўлишини, олдин ўзлаштирган билимларга таянган ҳолда кейингиларини ўзлаштиришга тайёрлашни, ўқувчиларда таълимнинг ҳар бир босқичида маълум даражада билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминлашни талаб қилади.

Фанларни ўқитишда узвийлик кўп ҳолларда хилма-хил тушунчалар, қоидалар, атамалар, номланишлар, тенгламалар, шартли белгилар ва ҳоказоларнинг бир хил ифодаланишида, номланишида ҳам ўз аксини топади.

Узвийликни таъминлашнинг дидактик шарт-шароитлари аниқланмаганлиги сабабли, ўқув-тарбиявий жараённи амалга оширишда маълум номутоносибликлар мавжуд.Кўп қўлланмаларда, мақолаларда узвийлик ва изчилликни таъминлаш ҳақида декларатив характердаги шиорлар бор, аммо узвийликни қандай таъминлаш керак, бунга нима асос бўлади, узвийликни таълим мазмунининг қайси предметлари, блоклари ёки бошқа қолларда таъминланиши мумкин деган кўрсатмалар мавжуд эмас. Узвийликни таъминлашнинг имкониятларини аниқлаш, асослаш учун чуқур илмий изланиш, таҳлил қилиш ишларини олиб бориш натижасида узлуксизликни таъминлашнинг умумлашган модели ишлаб чиқилди. Бу моделда ЎМКҲТ ўқув муассасаларини битирувчи мутахассисларнинг етарли даражадаги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, яъни ижтимоий буюртмани амалга ошириш учун авваламбор ЎМКҲТ тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар классификатори бўйича давлат таълим стандартлари, ЎМКҲТ ўқув муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малакавий талаблар, ўқув режа, дастур, дарслик, воситалар ҳамда таълим мазмунини таҳлил қилиш, унга ўзгартишлар киритиш бўйича тажриба-синов мониторинги орасида узвий боғланиши зарурлиги аниқланади.

Бу модел алгоритмига кўра таълим мазмунини аниқлаш жараёни бир неча босқичлардан иборат.

1-босқич. Умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим турларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари мазмунидаги муносибликларни аниқлаш.

Бу жараён жуда муҳим бўлиб, бунда фанлар дастурларида бериладиган мавзуларнинг такрорланиш даражаси, мураккаблик даражаси, таълим тури талаблари учун етарлилик даражасигина эътиборга олиниши билан барча ўқувчилар ёши билан боғлиқ имкониятлар ҳам ҳисобга олинади.

2-босқич касб-ҳунар коллежларининг касбий дастурлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, битирувчиларнинг касбий билимларидаги узвийлик ва изчилликни аниқлаш босқичидир.

Бу босқичда умумкасбий ва махсус билимлар мазмунини аниқлаш учун биринчи навбатда касбий тайёргарлик йўналишлари, касб-ҳунарлар номларининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва Олий таълим йўналишлари классификаторлари (таснифлагичларидаги) мослиги аниқланади.

3-босқичда узвийлик ва узлуксизлик бевосита таълим турларидаги мазмуний параметрларининг мутаносиблигини таъминлаш амалга оширилади.

ЎМКҲТ ва олий таълим мазмунида узвийликни таъминлаш умумтайёргарлик, касбий тайёргарлик фаолият йўналишлари, умумкасбий тайёргарлик, махсус тайёргарлик, ишлаб чиқариш таълими ва амалий тайёргарлик, шахснинг ижтимоий ва касбий аҳамиятга эга бўлган сифатлари ва хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантириш фанлари орқали ҳам узвийликни таъминлаш мумкин.

Бу босқичнинг мураккаблиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги умумкасбий ва махсус тайёргарликнинг мазмуни ва олий таълимдаги ихтисосликларга тайёрлаш мазмунидаги узвийлик ва кетма-кетликни аниқлашдан иборат. Шу мақсадда босқични амалга оширишда фанлараро боғланишга муҳим аҳамият берилади. Умумкасбий ва махсус фанлардан ташқари умумтаълим предметларининг ҳам касбга йўналтирилган дастурларини яратиш талаб этилади.

Табиий ва аниқ фанларни ихтисосликларга йўналтириб ўқитиш, бу фанлар мазмунидаги амалий мисоллар ва амалий кўргазма машғулотларида мутахассис тайёрланаётган соҳа мисолларидан фойдаланиш, таълимдаги узвийликни таъминлаш самарадорлигини ошириш имкониятини яратади.

4-босқичда эса олдинги босқичларда аниқланган мазмуний параметрларга асосланиб намунавий ўқув режаси ва ўқув дастурларининг тажрибавий вариантлари тузилади ва улар мутахассис экспертлар муҳокамасига қўйилади.

5-босқич якунловчи босқич бўлиб, унда ишлаб чиқилган мазмуний ҳужжатлар мажмуаси бўйича тажриба-синов ишлари ўтказилади.

Бажарилган ишлар самарадорлиги, таълим цикли якуни, битирувчи мутахассисларнинг бошқа таълим турида ўқишни давом эттириш мақсадида олий таълим тизимида таълим олишлари жараёнида аниқланади.

Шундай қилиб, таълим мазмунида узвийликни таъминлаш масаласи шу куннинг энг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади ва бу масалани ҳал этишга умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган олимлар, ўқитувчилар, амалиётчилар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу борада ОЎМТ ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан илмий-услубий комиссиялар тузилди ва фаолият кўрсатмоқда.

А.ХЎЖАБОЕВ,
ЎМКҲТРИ I-проректори, педагогика фанлари доктори, профессор

ХАЙР, БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ!

Ўқув дастурининг якунига бағишланган байрамга Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 308-мактабнинг 4-«Б» синфи ўқувчилари Гулнора Насриддинова раҳбарлигида қизғин тайёргарлик кўрдилар. Гулнора иш тажрибасида биринчи марта бошланғич синфларга дарс берди. Худди шу масъуллик байрамнинг қизиқарли ўтишига сабаб бўлган бўлса, эҳтимол. Ундаги бу кайфият синфидаги болаларга ҳам «юқди». Барчага қувонч улашган, завқу шавқ бағишлаган байрамда Ватан, ота-она, устозлар ҳақида қўшиқлар, миллий мусиқаларимизга мос рақслар ижро этилди.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Rasmiy bo'lim

Мазкур ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфларида Ўзбекистон тарихидан битирув имтиҳонлари ўтказилади. Имтиҳон билет саволлари 6—9-синф тарих курслари бўйича тузилган бўлиб, энг қадимги даврдан XX аср бошларигача бўлган даврни қамраб олган. Ҳар бир билет икки саволдан иборат бўлиб, турли даврларга оиддир. Ўқувчиларнинг ушбу саволларга берган жавоблари баҳоси умумлаштирилган ҳолда қўйилади.

Имтиҳон топширилаётганда ўқувчилар амалдаги дарсликлардан ташқари тегишли манбалардан, ўз фикрларини мустақил равишда умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашиб баён этишлари мумкин. Чунки, эркин фуқаро, онгли яшайдиган мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиздир. Шунингдек, келажагимиз эгаларига тараққиётимиз учун зарур шароитларни тўғри англатиш, уларга миллий истиқлол мафкурасини сингдиришимиз лозим.

Мафкура ўтмиш ва келажак ўртасида кўприк эканлигини, ҳақиқий тарихимизни тиклаш, уни ўрганиш, авайлаб ҳимоя қилиш миллий ғоямизнинг йўналишларидан бири эканлигини унутмаслигимиз даркор. Ушбу билет саволларида ўқувчиларнинг тарихий ўлкашунослик соҳасидаги билимларини аниқлаш ҳам кўзда тутилган. Зеро, ватанпарварлик ўз ўлкасини ўрганишдан ва танишдан бошланади. Инсон ўзи туғилиб ўсган жой тарихини билмай, ўз мамлакати тарихини чуқур билиши амримаҳолдир.

ТЎҒРИ ЖАВОБГА 2 БАЛЛ ҚЎЙИЛАДИ

ёхуд 9-синфда Ўзбекистон тарихидан ўтказиладиган имтиҳон юзасидан тавсиялар

Бинобарин, ўқувчиларнинг тарих курсидан олган билими ва кўникмалари ўлкашунослик фаолияти натижасида мустаҳкамланади. Айниқса, Ўзбекистон ҳудудидаги давлат тизимларининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий асослари, маданий ва маънавий ҳаёти масалалари ўзбек давлатчилиги тарихи билан узвий тарзда ёритилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Мактаб ўқитувчиларининг фан метод бирлашмалари ўз ихтиёрига кўра, айрим саволларни аниқ ифода қилиш мақсадида, уларга баъзи ўзгартиришлар киритишлари мумкин. Чунончи, Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Президент Ислом Каримовнинг «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» маърузаси юзасидан имтиҳон билетларига қўшимча саволлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Тарихга ихтисослашган махсус мактабларга мазкур билетларга бир қатор қўшимча саволлар киритиш тавсия этилади. Жумладан, Ватанимизнинг мустақил ривожланиш йилларида эришган ютуқлари ва уни янада равнақ топиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини акс эттирувчи савол-топшириқлар киритиш муҳимдир.

Шароити ва имкониятлари етарли бўлган мактабларда имтиҳон компьютер ёрдамида 50 та тест саволлари асосида ўтказилади. Бунда ҳар бир тўғри жавобга 2 баллдан берилади. Ўқувчиларнинг умумий кўрсаткичлари қуйидагича баҳоланади:

82-100 балл - 5 баҳо;
62-80 балл - 4 баҳо;
42-60 балл - 3 баҳо;
40 баллдан паст кўрсаткичга эга бўлганлар - 2 баҳо.

Умуман, ўқитувчилар ўқувчиларнинг имтиҳонолди тайёргарлигида юқорида кўрсатилганлар билан бирга, бу йилги «Соғлом авлод йили»ни ҳамда буюк аждодларимиз — Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллиги, Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг 910 йиллиги нишонланишини назарда тутган ҳолда, улар эътиборини ана шу масалаларга қаратишлари зарур.

РТМ Тарих ва ҳуқуқ фанларини ўқитиш маркази

Safar

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР БАНГКОКДА

Бангкок шаҳрида «2000—Осиё Ёшлар Форуми» бўлиб ўтди. Таиланд, Корея, Япония, Франция, Белгия, - Хитой, Шри-Ланка давлатлари вакиллари қаторида ўзбекистонликлар ҳам бу анжуманнинг иштирокчилари бўлишди.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг декани, профессор Гуландом Боқиева, шу факультет талабалари Ҳилола Носирова ва С.Саидаъловлар ўз тассуротларини сўзлаб, адо қилолмаяптилар.

—У ерда «Коррупция», «Аёл ва эркак муносабати», «Жамиятда аёллар ролининг ошиб бориши» каби мавзулар бўйича маърузалар тингладик,—дейди анжуман иштирокчиси Гуландом Боқиева. – Бу мавзулар бўйича минбарга кўтарилган нотиқлар ўз фикрларини очиқ баён қилишди. Ҳозирги ёшлар дунё ташвишларига бефарқ эмаслигига гувоҳ бўлдик.

«Жамиятда аёллар ролининг ошиб бориши» деб номланган маърузамни инглиз тилида ҳавола этдим. Таклиф ва мулоҳазаларим тингловчиларга тўла етиб борди, деб ўйлайман.

Зебинисо НАИМОВА

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАГА ЙЎЛ

Пойтахтимиздаги Миср элчихонасининг "Фан ва таълим" маркази залида Ўзбекистон Бадиий академияси ва Миср Араб Республикаси элчихонасининг Тошкентдаги "Фан ва таълим" маркази билан ҳамкорликда "Миср болалар нигоҳида" мавзусида расмлар кўргазмаси ўтказилди. Кўргазмада Республика тасвирий ва амалий санъат лицейларида ўқиётган ўқувчилар, жумладан, Самарқанд, Хоразм, Шаҳрисабз, Навоий ва бошқа вилоятда ўқиётган ёшлар қатнашдилар. Кўргазмада 200 та расмлар кўрсатилди. Айниқса, Тошкентдаги Республика тасвирий ва амалий санъат лицейи ўқувчиси Ойбек Исломов чизган расм ҳам кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб қилди.

Бу тадбир Миср Араб республикасининг Маданият ишлари вазирлиги таклифига биноан амалга оширилди. Энг муҳими, бу расмларнинг 50 таси танлаб олиниб, Миср Араб республикасида ўтказиладиган халқаро кўргазмада намойиш этиладиган бўлди. Бу кўргазмада Миср Араб республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб доктор Мамдуҳ Шавқий қатнашди. Расмларни кўриб, шундай деди:

— "Бу ёш келажак тасвирий санъат талантлари ҳали Мисрни кўрмасдан туриб, шундай қойилмақом, одамни ҳайратга соладиган расмларда қадимги антик ҳамда ҳозирги Миср ҳаёти тасвирланишини ҳақиқатга яқин қилиб чизилиши мени лол қолдирди. Албатта, бу ёш рассомлардан айримлари Мисрда бўладиган кўргазмада қатнашиб, совринли ўринларни олади деган умиддаман".

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай тадбирларни шу марказ директори профессор Сами Ҳаммад жаноблари кўп бор ўтказиб, барча шароитларни яратмоқда.

Хуллас, болаларни ёшлигидан тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини ортириш уларнинг келажак ҳаётларида ҳам жуда-жуда асқотиши шубҳасиздир.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ

"ИСТИҚЛОЛ – 2000" ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР БАЙРАМИ

Ташаббус доимо бетўхтов ҳаракатда бўлсагина тарих тилга кириб, жамият ўзининг юқори тараққиёт поғонасига кўтарилади. Навоий вилоятида 18 май "Халқаро музейлар куни"га бағишланган "Музей — мерос" байрами ўтказилди.

Бу нуфузли тадбирда "Музей — тарих ва маънавият маскани", "Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни олиб боришда музейларнинг ўрни" мавзуларида вилоят маънавият маркази раҳбари профессор С. Иноятов, вилоят тарихий — ўлкашунослик музей директори Р. Эгамовларни қизиқарли маърузалари тингланди.

Айтиш жоизки, айни пайтда вилоят ўлкашунослик тарихий музейида 3161 та экспонат мавжуд бўлиб, уларнинг сони ушбу тадбирдан кейин яна 20 та нодир экспонатга кўпайди. Жумладан, музейлар байрамида қатнашган нуроталик сангтарош Эркин Абдуллаев ва карманалик чевар Ҳабиба Мўминоваларнинг шахсий кўргазмалари ҳамда Нурота, Конимех, Хатирчи туманлари ўлкашунослик тарихий музейларидан келтирилган совғалар музей пештахтасидан муносиб жой олганлиги диққатга сазовор бўлди.

Ўткир Пўлат
Навоий вилояти

Malaka oshirish kurslarida

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтининг малака ошириш факультетида навбатдаги ўқув курси тугади. Ўз малакаларини оширишга келган тингловчилар курс ниҳоясида битирув ишларини ҳимоя қилдилар. Бу ҳимояда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидан келган директорлар, директор муовинлари, бош усталар, институт раҳбарияти қатнашдилар. Ҳимоя вақтида замонавий касб-ҳунар коллежларидаги ўқув-тарбиявий жараённинг долзарб муаммолари, амалий ечимлар атрофлича муҳокама қилинди.

БИТИРУВ ИШЛАРИ ҲИМОЯСИ

«Миллий дастурни амалга оширишда раҳбар ходимлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари», «Назарий ва ишлаб чиқариш таълими дарсларида янги педагогик технология элементларини яратиш», «Ўқувчиларнинг касбий билим, малака ва кўникмалар сифатини назорат қилишда рейтинг тизимидан фойдаланиш» каби мавзулардаги битирув ишлари тингловчиларда зўр қизиқиш уйғотди.

Ҳимоя якунида тингловчиларга махсус сертификатлар топширилди.

Ш.МИРЗАҲМЕДОВА

Жажжигина болалар бугун йўлагини, ҳовлисини тозаласа, эртага онгли равишда экологик муҳитни асрашга ўрганади, ўзганинг меҳнатини ҳурматлайди.

Жаҳоннинг турли бурчакларидаги ҳар хил соҳаларда эришилган ютуқлардан баҳраманд бўлиш, уларни ижодий ўзлаштирган ҳолда буюк келажакни тезроқ қуришга сарфлашда хорижий тиллар энг мақбул ва беминнат воситалардан биридир.

Fikr

БЎШ ВАҚТ - ХУШ ВАҚТМИ?

Ҳеч кузатганмисиз, фарзандингиз бўш вақтида нима билан шуғулланади? Яқинда қизиқ бир ҳолатга дуч келдим. Одатда ўқлимнинг "бир кунлик режаси"ни ўзим белгилаб берардим. Чунки у эндигина 8 ёшга кирди-да. Бир куни у эътироз билдириб: "Ойижон, кун бўйи нима қилишимни ўзим белгилай, йўқса, сиз менга "бўш вақт" қолдирмаяпсиз" деб қолди. "Бўш вақтни нима қиласан" дедим. "Айтмайман, билсангиз дарров "банд" қилиб қўясиз".

Гапига жиддий эътибор қилмадиму, барибир қизиқдим.

Болага бўш вақт нимага керак? Бўш вақт нима ўзи?

У Ҳамза туманидаги 307-мактабнинг 1-"Е" синфида ўқийди. Устози Ҳадича Мусорова қизиқ тажриба ўтказибди. "Дарсдан сўнгги вақтни қандай ўтказасиз? Кимнинг ҳовлиси тоза? Бўш вақтингиз борми?" Табиийки, бу сўров синф ўқувчиларида қизиқиш уйготган.

Кўп қаватли уйларда яшаймиз. Уйимизда 3 та синфдош яшашади. Ўғлим зўр бериб йўлкани, лифтни тозалар, сўнг синфдошларининг йўлагини "текшириш"га кетарди. Хуллас, энди болалар бошқа синфдошларининг ҳовлиларини кузатадиган бўлишди. Уйимизнинг олдига 3 туп дарахт ўтқазишди. Шўх болалар юлиб ташлашса керак, деб кўклам дарахтларидан умид қилмадим. Чунки, ҳовлида тўп-тўп болалар чунонам копток тепишардики, ҳозир дарахтларниям яксон қилишса керак, деб хавотирланардим. Йўқ, болалар айнан шундай қилишмади. Чунки, синфдошлар энди зўр бериб ўз йўлакларини, ўз уйларини, ўз дарахтларини асрашга уринишарди-да.

Катталар-чи, биз катталар баъзан ўз меҳнатимиз тугул, болаларнинг меҳнатини ҳам қадрламай қўямиз, чоғи. Бугун уларнинг меҳнатини қўлламай туриб, эртага "Нега ўзгаларнинг ишини қадрламайсан?" дея таъна ҳам қилиб қўямиз. Яна бир ғалати ҳолат. Болалар ўта ғурурли. Уларнинг мурғак қалбларида "ҳаммадан мен яхшиман" деган самимий бир туйғу ётади. Ҳаммадан зўр, кучли бўлса, ҳаммадан унинг уйи, йўлаги, ҳовлиси тоза бўлса. Умуман, улар ҳамиша зўрдан-зўрликка уринади.

Мулоҳазаларим шу йўсинда эди. Аммо бир гала ўспирин йигитчалар "қуруқ ер"ни чангитиб копток тепишаётганига кўзим тушди. Кўп қаватли уйлар оралиғидаги болалар майдончасини улар ўзларига "яшил майдон" қилиб олишган. Шундоқ 100 метрлар нарида ахлатхона, баъзида уюм-уюм бўлиб кетади.

Нега атроф-муҳит ифлосланяпти? Елка қисишдан нарига ўтолмаймиз. Яна елка қоқиб, "қайдам?" деймиз. Ўйлаб кўрсам, болалар катталардан-да катта куч экан. Қачонки, уларнинг ўзи бўш вақтини ўзи мустақил белгилаб олишса. Негаки, бола ўзи қурган уйчани ўзи тепиб бузмайди. Асрайди. Шундаям тўзоннинг ичида копток тепаётган ўспирин ўзи учун ўзи, "яшил майдонча" яратса бўлмасмикин? Ахлатнинг бадбўй ҳидидан димоғи ёрилай деса-да, бемалол 2-3 та қизлар "кечки сайр" қилиб писта чақишга кетган бўш вақтнинг учдан бирини тозаликка сарфласа нимаси ёмон?

Болангизнинг бўш вақти - хуш вақтигина эмас-ку. Умуман, мен бўш вақтни одатий, кундалик юмушлардан ташқари бирор фойдали ишга сарфланган вақт деб тасаввур этаман.

Жажжигина болалар бугун йўлагини, ҳовлисини тозаласа, эртага онгли равишда экологик муҳитни асрашга ўрганади, ўзганинг меҳнатини ҳурматлайди.

Жисмонан соғлом бола юзни йиқитса, маънан соғлом бола эртага ўз ақл-заковати, илми билан оламни ҳайратга солувчи кашфлар қилиши мумкин.

Кўпинча мени бир ўй ўйлантиради. Аниқроғи, ташвишгаям солади. Унда-бунда ёшлар орасида бир чиройли ташаббус бошланади. Майли-да, кичкинами, каттами, барибир интилиш-ку? Яхши бошланадию сўниб қолади. Нега? Негаки баъзан биз катталар уларнинг иштиёқини сўндирамиз. Қўллаб-қувватлаб кенгайтирмаймиз. Ҳатто фарзандимиз эккан дарахтни кўкартиришга, у тозалаган йўлакни асрашга бефарқ, беписандмиз.

Боланинг қалби тўла эзгулик, фақат уни бизнинг лоқайдлигимизгина занглатиб қўяди.

Бўш вақт ҳақида гапириш бир қарашда жуда сийқалашган мавзудайдир. Аслида - эзгуликка кўприк у.

Саида САЙХУН

Magistratura

Тошкент кимё-технология институти магистратурасида ўқув жараёни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ташкил этилмоқда. Хусусан, "Пластмасса ва ёғочни қайта ишлаш технологияси", "Саноат экологияси", "Ноорганик моддалар технологияси", "Силикатлар технологияси", "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси", "Ёғ-мой маҳсулотлари технологияси", "Дон маҳсулотлари технологияси", "Гўшт ва сут маҳсулотлари технологияси", маркетинг ва менежмент мутахассисликлари бўйича таълим йўлга қўйилган.

Магистрантлар ўз мутахассисликлари бўйича билим олиш билан бирга турли мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини ҳам олиб боришмоқда. Кафедралар томонидан тавсия қилинган мавзуларни ихтиёрий танлаб оладилар.

"Нефть ва газ маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси" кафедраси доцентлари Ш.Нуруллаев, Д.Исматов бошчилигида магистрантлар Т.Тўраев, Д.Умаровлар изланишмоқда. Газни қайта ишловчи саноат корхоналаридаги иккиламчи углеводородлар ёрдамида антидетонатор ва бошқа керакли маҳсулотлар бу изланишда синтез қилинмоқда.

Жорий йилнинг "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан магистратурада ўқиётган талабалар ўз илмий ишларида атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланиши натижасида юзага келаётган экологик муаммолар, чиқиндисиз технологияни яратиш, иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш йўллари устидаги изланишларини чуқурлаштираяптилар. Чиқиндисиз ишлайдиган технологияларни қўллаш нафақат экологик муаммоларни ҳал қилади, балки, иқтисодий соҳада ҳам катта самаралар келтиради. Институтдаги илмий-амалий анжуманларда ҳам бу ҳақда бот-бот гапирилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманлардан бирида ғолиб магистрантларга пул мукофотлари, эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Асрор ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат МУТАЛОВ,
шу институт магистрантлари

ТАЛАБА ИЗЛАНАДИ

Jarayon

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?

Тил — бениҳоя муқаддас ва мўътабар неъмат. У инсонларни бир-бирлари билан бирлаштирган, тараққиёт босқичига олиб чиққан, руҳий такомилга бошлаган ҳамда тафаккур гулшанининг дарвозаларини очиб берган бемисл бир воситадир. Шунинг учун ҳам тилга эътибор ва эҳтиром бу дунёда инсон муҳтарамлигининг эътирофидир. Инсон ўз она тилини эъзозлаши, яхши билиши билан бир қаторда хорижий тиллардан бирини ҳам эгалласа, олмон алломаси В. Гумбольд таъкидлаганидек, у дунёни ўз тилидагидан яна бошқа бир тарзда кўриш шарафига муяссар бўлар экан. Бир неча тилни билиш, моддий оламни бир неча томондан кўришга имкон беради, бу эса дунёни кенгроқ, чуқурроқ билишга йўл очади.

Айни пайтда хорижий тилларни ўрганиш, ривожланган кўпгина давлатлар билан эркин ва дадил мулоқот қилаётган Ўзбекистон Республикаси халқи учун муҳимдир. Жаҳоннинг турли бурчакларидаги ҳар хил соҳаларда эришилган ютуқлардан баҳраманд бўлиш, уларни ижодий ўзлаштирган ҳолда буюк келажакни тезроқ қуришга сарфлашда хорижий тиллар энг мақбул ва беминнат воситалардан биридир.

Республикамизда хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш, талаб кундан-кунга ортиб бораётганлигини инобатга олган Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим мактаблари учун ишлаб чиқилган янги ўқув режасидаги 9-синфга ҳар ҳафтага бир соат қўшимча дарс ажратиб, ҳафталик соатни 2 соатдан 3 соатга оширди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-сонли қарори асосида яратилган Хорижий тилларни ўрганишнинг Давлат таълим стандартига мувофиқ, инглиз, француз ва олмон тилларидан 5-9-синфларга мўлжаллаб янги ўқув дастурлари республика Таълим маркази таркибидаги Ғарбий Европа тиллари бўлими томонидан ишлаб чиқилди.

Ўқув дастурларида хорижий тилларни ўрганишнинг меъёри, мақсади ва мазмуни аниқ белгилаб берилди. Уларни амалиётга тадбиқ этиш муддатлари расмий ҳужжатларда 1999-2003 йиллар деб қайд этилган. Ўқувчиларнинг бу мевалардан баҳраманд бўлиши бутунлай янги мазмундаги янгича услубдаги жаҳон андозалари даражасидаги дарсликларни яратишни тақозо этади. Мана шу мақсадда ҳозирги кунда юқорида қайд этилган давлат ҳужжатлари асосида хорижий тилларидан 5-9-синфлар учун дарсликларни ёзиш ишлари бошлаб юборилди.

Инглиз тилидан дарслик яратиш бўйича танлов йўли билан тузилган муаллифлар гуруҳи айни пайтда жаҳон андозаларига мос 5-синф "Инглиз тили" мажмуаси (дарслик, ўқувчи учун машқ дафтари, ўқитувчи китоби ва кассеталар)ни яратишга муваффақ бўлдилар.

Муаллифлар 6-синф ўқувчилари учун ҳам ушбу тарздаги мажмуа устида иш олиб боришмоқда.

Инглиз ва олмон тилларидан дарслик ёзувчи муаллифларга англиялик мутахассис Даяна Любельска замонавий дарслик ёзиш ва уни безаклаш техникаларини қунт билан ўргатди. Хорижлик мутахассиснинг инглиз тили дарсликларини ёзаётган муаллифлар билан бевосита ишлаши яратилажак дарсликларнинг сифатини бутунлай яхши томонга ўзгартириб, амалдаги дарсликларда учраб турадиган хато ва камчиликлардан холис бўлишига ёрдам беради.

Ушбу яратилаётган дарсликларда ўқитиш марказида тил ўрганувчи туриши кераклиги ва ўқитиш эмас, ўрганиш асосий мақсад қилиб олинганлиги билан олдинги дарсликлардан тубдан фарқ қилади.

5-синф "Инглиз тили" мажмуаси Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари, шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманларида синовдан ўтказилди. Ўқувчи, ўқитувчи ва ота-оналарнинг фикрларидан келиб чиқиб, мажмуа такомиллаштирилди.

Олмон тили бўйича Олмониянинг Тошкентдаги Гёте институти мутахассислари ёрдамида 5-синф ўқувчилари учун "Олмон тили" дарслиги ёзилди. Ўзбекистон мактабларида 1999 йилгача синовдан ўтказилган бу дарсликдаги камчиликлар бартараф қилинди ва "Ўқитувчи" нашриётига чоп этиш учун йўлланди.

Таълим ўзбек, рус, қозоқ ва бошқа тилларда олиб борилаётган мактабларнинг 6-синф ўқувчиларига мўлжаллаб РТМ Ғарбий Европа тиллари бўлими бошлиғи Т. Очилов томонидан яратилган "Олмон тили" матнлар тўплами 1999 йилда нашр этилди.

8-11-синфлар учун нашр этилган дарсликлар эскирганлиги сабабли улардан тўғри фойдаланиш, дарс жараёнида миллий ғояни ўқувчилар онгига сингдириш мақсадида олмон тилидан 5-11-синфларга мўлжалланган режалаштириш РТМ томонидан нашр этилади.

6-9-синф ўқувчилари учун ҳам "Олмон тили" дарсликлари Гёте институти мутахассислари ёрдамида яратилиши мўлжалланган. 2000 йилнинг январь-март ойларида муаллифлар томонидан Гёте институти мутахассислари бошчилигида 7-синф ўқувчилари учун "Олмон тили" дарслигининг материаллари тўпланди. Уни ёзиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. 7-синф дарслиги бу йил ўқувчилар қўлига етиб бориши режалаштирилган.

8-9-синф ўқувчиларига мўлжалланган "Олмон тили" дарсликларини ёзувчи муаллифлар гуруҳи тузилди.

Француз тилидан 5-9-синфлар дарсликлари устида иш олиб борувчи муаллифлар гуруҳи тасдиқланди. Франция элчихонаси Тил атташеси Ж.Барбарэ билан биргаликда "Француз тили" дарсликларини ҳамкорликда яратиш бўйича лойиҳа тайёрланди ва Францияга йўлланди. Яқин кунларда ушбу лойиҳа ўзининг ижобий натижаларини бера бошлаши кутилмоқда. Ушбу лойиҳага кўра, 2000 йил давомида 5-,6-,7-синф ва 2001 йил давомида 8-, 9-синф дарсликлари устида иш олиб бораётган муаллифларни дарслик ёзишга тайёрлаш кўзда тутилган. Жорий йилнинг февраль-март ойларида муаллифлар 3 марта уч кундан Франция элчихонасининг мутахассислари томонидан "Замонавий дарсликларни қандай ёзиш керак?" мавзусидаги семинарларда иштирок этишиб, ўз малакаларини оширдилар. Яқин кунларда Франциядан консультант келиши ва бевосита муаллифлар билан ишлаши мўлжалланмоқда.

"Хорижий тиллардан ўқувчиларнинг билимини назорат қилишнинг Рейтинг тизими" бўйича тавсияномa яратилиб, республикамиздаги мактабларда синовдан ўтказилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатиш учун зарур бўладиган чора-тадбирларни амалиётда ижобий тадбиқ этишда республика Таълим маркази ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келмоқда.

А. НОСИРОВ,
Т.ОЧИЛОВ,
РТМ Ғарбий Европа тиллари бўлими методистлари

Yangicha ish usuli

"ЎЗИМ БАЖАРАМАН, ЁРДАМ БЕРИНГ"

Болалар боғчасида янги педагогик технологиялар асосида иш олиб бориш ҳар бир тарбиячини янгиликлар сари интилишга ундайди. Боғчамиз тарбиячилари ана шундай педагогик технологиялардан бири — Монтессори услуби элементларидан фойдаланишни йўлга қўймоқдалар.

Монтессори услуби — педагогни болаларнинг эркин иш фаолиятига четдан туриб ёндошиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб боришдир. Бу педагогнинг ишини бир мунча енгиллаштиради.

Тарбиячи ва ота-оналар Монтессори услуби бўйича ишлашни истасалар шу нарсани тўғри англашлари керакки, болага жисмларнинг моҳияти ёки бошқа нарсалар ҳақидаги билимларни узлари тайёрлаб қўйган ҳолда эмас, балки бола қўлига олган буюм ҳақида аввал унинг узига имкон бериб, шу нарса ҳақидаги тасаввурларини аниқлаб, сунгра педагог ўзи қушимчалар қилиши лозим. Керак бўлса бир қадам боладан илгарилаб, фикрини тушунтиради, керак бўлса бир қадам орқага юриб болага ўз билимидан мағрурланиб гапириб бера олишга имкон беради.

Тарбиячи гуруҳда болаларнинг эркин шуғулланишлари учун тайёр муҳит яратиши зарур. Бу муҳитни яратиш тарбиячининг дид ва маҳоратига боғлиқ. Бунда хона шинам, бежирим, ёруғ ва тоза, машғулотлар учун зарур материаллар, жиҳозларга болаларнинг қули ва бўйи етадиган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Болаларга илк ёшидан бошлаб Монтессори услуби бўйича билим берилса, уларда узи танлаган фаолиятни узи ҳал қила олиш ва жавобгарликни ҳис қилиш қобилиятлари шаклланади. Тарбиячининг биринчи навбатдаги вазифаси болага узининг қизиқиши бўйича анжомларни танлаш ҳуқуқини бериб, жисмлар билан қандай муомала қилиш кераклигига йўл-йўриқ кўрсатиб туришдир. Бундай йўл-йўриқ кўрсатиш болани материал билан таништириш дейилади. Бола аввал тарбиячи кўрсатгандек материал билан ишлайди, кейин эса узи уйлаб топган ҳар хил машқларни бажаради.

Монтессори услубининг шиори — "Узим бажараман — ёрдам беринг". "Мактабгача таълим" журналида чоп этилаётган "Монтессори материаллари" боғча тарбиячилари учун қулай қулланма бўлиб бораяпти.

Илк ёшли гуруҳларда хоналарнинг жиҳозланиши ва материалларнинг жойлашиши болаларнинг мустақил шуғулланишларига имкон бера олади. Монтессори элементлари асосида мужассам уйин-машғулотлар олиб борилаяпти. Бу машғулотлар жажжи болажонларнинг моторик ва сенсорик қобилиятларини, уларда мустақиллик, ўз-ўзини бошқариш, ўзига ишонч каби хислатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Боғчамизда Монтессори услуби элементлари асосида ўйин-машғулотлар ўтиш учун тарбиячилар жуда кўп қургазмали қуроллар тайёрлаганлар. 4 дан 6 ёшгача аралаш ёшдаги гуруҳ болалари билан мазкур услуб материаллари асосида иш олиб бориш яхши натижа бермоқда.

Аралаш гуруҳ тарбиячисининг "Бизнинг севимли математика", "Наврўз сайли", "Кичик ҳунарманд" каби мужассам ўйин-машғулотлари болаларни мустақил фикрлашга, турли тўсиқлардан ўтишга, муаммолар ечимини ўзи бажаришга ундамоқда.

Нафиса ҒУЛОМОВА,
Акмал Икромов туманидаги 186-болалар боғчаси бош тарбиячиси

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 46-мактаб кутубхонасида, кутубхоначи Зулфия опа Исаева ёш ўқувчи китобхонларга қизиқарли ҳикоялардан ўқиб бермоқда.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Olimpiada

ҒОЛИБЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТДИЛАР

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида 13-16 май кунлари Республика олий ўқув юртлари талабаларининг чет тиллари бўйича олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг 21 университетидан талабалар қатнашдилар. Жумладан, Бухоро, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятларидан келган талабалар ўз билимларини намойиш этдилар. Олимпиадада инглиз, француз ҳамда немис тиллари йўналиши бўйича қизғин беллашувлар ўтказилди.

ЎзДЖТУ раҳбарияти томонидан олимпиаданинг адолатли ва ҳаққоний ўтишини таъминлаш мақсадида, мандат комиссияси ва ҳакамлар ҳайъати тузилди ҳамда бу ҳакамлар раислигига чет эллик мутахассислар ҳам жалб қилинди.

Уч кун давом этган қизғин беллашувлар натижасида инглиз тили йўналиши бўйича ЎзДЖТУ талабаси Евгений Пальчик, немис тили йўналиши бўйича ЎзДЖТУ талабаси Жаббор Саттор ва француз тили йўналиши бўйича эса ЎзДЖТУ талабаси Бекзод Хонкелдиев ғолибликни қўлга киритдилар.

Ҳар бир тил йўналиши бўйича биринчи уч ўринни эгаллаган талабалар чет эллик вакиллар томонидан тақдим этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Жумладан, Франция элчихонаси томонидан ушбу тил йўналиши бўйича ғолиб бўлган талабага Францияга саёҳат йўлланмаси берилди.

Олимпиада чинакам дўстлик беллашувига айланиб кетди.

Ирода ҲОЖИҚУЛОВА,
Эркин МИРЗАЯШЕВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабалари

ЗИЁ ТАФАККУРДАН БОШЛАНАДИ

Китоб туманидаги Ғафур Ғулом номли 35-ўрта мактабда Адолат опа Абдуллаева мана, 27 йилдирки, ёш авлодларга алгебра ва геометрия фанидан сабоқ бериб келаяпти. У ўз соҳасининг етук билимдони бўлишидан ташқари, камтар, меҳрибонлиги билан мактабимиз жамоаси ишонч-эътиборига сазовор бўлаяпти. Адолат опа яратувчанлиги ва янгиликка ўчлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан ўзгалардан ажралиб туради. У яхши таълим беришдан ташқари, ўқувчиларининг ота-оналари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб, яхши маслаҳатлар бериб туришни канда қилмайди. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бераётир. Буни ҳар йили республикамиз олий ўқув юртларига кириб талаба бўлган ўқувчиларининг сони кўплигидан ҳам билса бўлади.

Жонкуяр муаллима А.Абдуллаева нафақат мактабда, балки ўзи яшаб турган маҳаллада ҳам эъзоз топган аёл. Уларнинг оиласига барча ҳавас қилади.

Ҳа, биз ўқитувчиларга кўп нарса боғлиқ. Ҳар қандай ўқувчи-талаба хоҳ мактабда, хоҳ бошқа таълим масканларида бўлсин, яхши камол топиб,ёруғ келажак сари умид ва ишонч билан устозларидан тарбия олса, қандай яхши. Зеро, келажак ёшларимизнинг қўлида экан, буни унутмаслигимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳанифа АВЛОҚУЛОВА,
ўқитувчи

Ta'lim muassasalarida

"ЎҚИТУВЧИ ҲАР КУНИ ЎҚИШИ ЗАРУР"

Ал-Бухорий номидаги 2-ўрта мактаб Шароф Рашидов туманида илғор илм масканларидан бири сифатида эътироф этилади. Агар мактабда кечаётган бугунги таълим-тарбия жараёни билан танишар экансиз, жамоанинг илғорликка эришуви тинимсиз меҳнат қилиш ва аҳилликда янгиликлар сари интилиш туфайли шаклланаётганлигига амин бўласиз. Ҳозир масканда 90 нафар ўқитувчи мингдан зиёд ўқувчига таълим-тарбия бермокда.

Мактаб ҳуқуқшунослик фани бўйича республика тажриба-синов майдончасига айлантирилган. Ушбу фан ўқитувчиси Икром Омонов ҳамкасблари орасида ўз билими ва тажрибаси билан танилган муаллимлардан саналади. Унинг шогирдлари деярли ҳар йили республика фан олимпиадаларида иштирок этиб келмокдалар. Шу ўринда мактабнинг француз тили ўқитувчиси Ханифа Шукурова хусусида ҳам тўхталиб ўтса арзийди. Муаллиманинг ўқувчилари 1983 йилдан буён деярли узлуксиз республика миқёсида фан олимпиадаларига қатнашиб келишади. Мактабнинг мана шундай жонкуяр ўқитувчилари меҳнатлари самараси ўлароқ, битирувчиларнинг турли олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичи яхши.

Мактабга ташриф буюрган киши, аввало ҳовлидаги соясалқин боққа эътибор беради. Чўл шароитида гуркираб кўкка бўй чўзиб турган, бундан 8 йил бурун ўтқазилган мингдан зиёд тераклар фойдаланишга яраб қолган. Маъмурият тераклардан мактаб эҳтиёжи учун беминнат фойдаланмоқда. Бу йил қўшимча экилган 500 туп терак ҳам бир текис барг ёзди. Соя-салқин йўлаклар бўйлаб бино ичкарисига қадам қўяр экансиз, фақат мактаблардагина дуч келиш мумкин бўлган болаларнинг шўх-шодон қийқириқлари билан бирга, деразалар токчаларига қўйилган қатор тувакларда барқ уриб ўсиб ётган турфа гуллар ҳам сизни қаршилаётгандай бўлади. Мактаб раҳбари Файзулла Маматовнинг таъкидлашича, мактаб ўзига хос гулхонага айланган ва тумандаги бошқа мактабларга ҳам гул улашиб чиққан.

Мактаб жамоаси оталиқ ташкилоти ҳисобланмиш Шароф Рашидов номидаги деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари ҳамда ота-оналар ва маҳалла билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Қишлоқ врачлик амбулаторияси билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориш эса "Соғлом авлод" дастури бўйича системали равишда иш олиб боришни таъминлаяпти. Малакали шифокорлар иштирокида ташкил этилган Ташхис марказида ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида иш олиб борилмокда. Ўқувчилар тарбияси билан жиддий шуғулланишда, уларни касбга йўналтиришда мактаб психологининг хизматлари катта бўлмоқда.

Таълимда "Директор қандай бўлса, мактаб ҳам шундай бўлади" деган гап бор. Ушбу мактабга 31 йилдан буён малакали ўқитувчи Файзулла Маматов раҳбарлик қилиб келади. "Ҳаётимни мактабсиз тасаввур этолмайман, — дейди Файзулла ака. — Умрингнинг энг гуллаган дақиқаларини, бутун куч-қувватингни ўзинг учун қадрдон бўлган даргоҳга сарф этиб асло ачинмас экансан, киши. Катта жамоага, айниқса, билимли, зиёли инсонлар ҳисобланмиш ўқитувчилар жамаосига раҳбарлик қилиш катта масъулият талаб қилади. Уларнинг ҳар бирини изланишлар, интилишлар сари чорлаш, қалбини уйғота билиш зарур. Аслида, ҳар бир ўқитувчининг ўзи ҳам бир дунё. Ҳамма гап мана шу дунёларга тўғри йўл топиб, аҳилликни йўлга қўя билишда."

Файзулла акадан тажрибали муаллим, қолаверса раҳбар сифатида ўқитувчиларига ҳар куни таъкидлайдиган фикри хусусида сўраганимизда, у киши, ўқитувчининг ҳар куни ўқиши зарур эканлиги хусусида айтиб ўтди. Директор билан суҳбатлаша туриб, у кишининг китобга, кутубхонага меҳри баланд эканлигига амин бўлдик. Мактаб кутубхонаси туман мактаблари кутубхоналари ичида барча кўрсаткичлар бўйича олдинги ўринда турар экан. Кутубхонага бу йилнинг ўзида фақат ўқитувчилар жамоаси тўрт мингдан зиёд китоб тўплашибди. Шундан бир ярим мингдан зиёд китобни мактаб раҳбари Файзулла Маматов ўз шахсий кутубхонасидан ҳадя этибди. Айтиш мумкинки, бу кўпгина мактаб раҳбарлари учун ибрат бўларли воқеадир.

Мактаб иқтисодиётини шакллантириш ва жамоанинг моддий имкониятларини кенгайтириш мақсадида, бу йил туман ҳокимлиги ташаббуси билан оталиқ ташкилоти томонидан таълим масканига 30 гектар ер майдони ажратилибди. Ердан олинган даромад мактабнинг моддий таъминотини мустаҳкамлаши эвазига жамоанинг эришаётган ютуқлари сонини янада оширишига, шубҳа йўқ.

И. БЎРИБОЕВ

Охирги қўнғироқ чалинди бу кун, Юракни бир силкиб ўтиб кетди у.

Тарту шаҳар ҳокимияти маҳаллий талабаларнинг истироҳат боғларида ўзларини ҳаддан ташқари эркин тутишларига нисбатан чора қўллай бошлади.

Sport maydonchasi

ТИГАНТЛАР ЖАНГИ

Бокс бўйича энг оғир вазндаги спортчилар учрашувларининг янги мавсуми бошланадиган кўринади. WBA йўналиши бўйича 10 июнь куни Лас-Вегасда ўтадиган Жон Руиз ва Эвандер Холифильдлар учрашуви бу "мавсум"ни бошлаб берса, ажабмас. Чунки ғолиб В. Кличко билан рингга чиқиши ҳам мумкин. Европа гигантларидан бири — Тим Хоффман эса, яқин кунларда В. Кличкони рингга таклиф этиш истагида экан.

ИТАЛИЯ КАШФИЁТИ

Ҳа, Италия "А" серияси бир мавсумдаёқ футбол майдонларининг ёрқин юлдузига айланган Андрей Шевченко мутахассислар томонидан шундай таърифланмоқда. Чемпионатнинг сўнгги турида 11 метрлик белгидан тўп киритган Андрей мавсумнинг энг сермаҳсул ҳужумчиси бўлди — 24 тўп. Ва Италия биринчилигида бир мавсумда "тўп урар" бўла олган 8-хорижлик футболчи сифатида қайд этилди.

КУТИЛМАГАН ТАКЛИФ

Америка баскетболининг кўзга кўринган мураббийларидан бири М. Жордан ўзининг биринчи мураббийларидан бири Ленни Уилкенсни ўз жамоаси бош мураббийлигига таклиф этган. Бунинг учун Леннига жуда катта маош ваъда қилинган бўлиб, АҚШ матбуотида бу нарса фавқулодда янгилик дея баҳоланган. Жордан таклиф қилаётган миқдор шу пайттача энг яхши бўлган маошлардан икки ҳисса кўп.

41 ДАВЛАТ ИЧИДА БЕШИНЧИ

Бельгиянинг Хазевинкел шаҳрида байдарка ва каноэда сузиш бўйича II босқич жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. 41 давлатдан ташриф буюрган спортчилар ичида 13 нафар Ўзбекистон терма жамоаси ҳам бор эди. Умумжамоа ҳисобида 5-ўринни эгаллаган ҳамюртларимиз 1 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза медалларини ўзлари билан олиб қайтдилар.

ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

"Сидней-2000" йўлланмаларига эга бўлган спортчиларимиз қизғин тайёргарлик машғулотларини бошлаб юборди. Андижон бокс мактабининг "чарм қўлқоп" усталари, Жаҳон чемпиони М. Абдуллаев ва Осиё чемпиони Р. Чагаевлар мураббийлари А. Размалов бошчилигида Франция, АҚШ, Россия ва Украина давлатларида икки ҳафтадан тайёрлов йиғинларида иштирок этишадиган бўлди.

НАМАНГАНДА СПОРТ БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

«Универсиада-2000»

(Боши 1-бетда)

Унда универсиаданинг "Соғлом авлод йили"да ўтказилаётгани айрича аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сўз юритилди. Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов эса кичик олимпиаданинг нафақат спорт мусобақалари, балки ёшлар байрами, мамлакатимизда яшовчи халқларни янада жипслаштирувчи катта тадбир эканлиги ҳақида гапирди.

Ватан мадҳияси янграб, байроқлар кўтарилди, машъала ёқилди. "Универсиада — 2000" ташкилий қўмитаси раиси С. Ғуломов универсиадани очиқ деб эълон қилди. Универсиадачиларнинг қасамёди ўқиб эшиттирилди.

Ўйинлар бир зумда катта очиқ саҳнага айланади. Чор-атроф гуллар декорацияси, камалак жилолари билан безатилди. Спортчи талаба гуруҳларининг паради ўтди. Ёшлар спорт маҳоратларини рамзий маънода намойиш қилишди. Санъаткорлар ижросида дилбар куй, қўшиқ, яллалар янгради.

Шуни айтиш керакки, кичик олимпиада олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқиётган талаба ва аспирантлар қатнашишади. Бир ҳафта давом этадиган спорт турлари бўйича жамоа биринчилиги, финал мусобақалари якунлари бўйича мажмуавий ҳисобда умумкоманда биринчилиги аниқланади.

Мусобақалар Наманган шаҳри, вилоятдаги айрим шаҳар ва туманларнинг энг яхши спорт мажмуаларида, ўйингоҳларда спортнинг баскетбол, кураш, фарғонача кўраш, волейбол, енгил атлетика, теннис, стол теннриси, шаҳмот, футбол турлари бўйича олиб борилади. Финалга барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида ғолиб чиққан талаба ёшлар жамоаларининг сараланган 1500 вакиллари ташриф буюришган. Уларнинг барчаси ҳам биринчилик ва фахрий ўринларни қўлга киритишга даъвогардирлар. Демак, мусобақалар қизғин, шиддатли тусда ўтади, деб олдиндан айтиш мумкин. Бунинг яна бир сабаби - ғолибларни олтин, кумуш, бронза медаллари, алоҳида совринлар кутаяпти.

Универсиаданинг очилиш куни эрта тонгданоқ мусобақалар вилоятнинг турли спорт майдонларида бошлаб юборилди. Шу куни талаба йигит-қизлар спортнинг футбол, волейбол, теннис ва баскетбол турлари бўйича ўзаро куч синашдилар. Бунда дастлабки ғолибларни аниқлаш бошланди. Куйида илк натижаларни келтирамиз:

Футбол бўйича

Наманган - Тошкент вилояти	6:3
Қарши - Самарқанд	2:0
СКИФ Тошкент - Гулистон	3:0
Тошкент ГИВ - Андижон	2:1
Термиз - Навоий	3:0
Нукус - Бухоро	4:1
ТГТУ Тошкент - Фарғона	8:2

Баскетбол бўйича (эркаклар)

ЎзМУ - Сурхондарё	51:25
Жиззах - Бухоро	18:76
СКИФ - Қарши	66:21
Фарғона - Тошкент вилояти	56:13
ТГПТУ - Нукус	66:31
Андижон - Навоий	41:28
Самарқанд - Сирдарё	45:42
Наманган - Хоразм	64:20

(Аёллар)

Хоразм - Сурхондарё	83:12
Жиззах - Қорақалпоғистон	24:9
Фарғона - Навоий	11:68
Самарқанд - Андижон	14:28
ЎзМУ Тошкент - Қашқадарё	38:39
СКИФ Тошкент - Бухоро	30:4

Универсиада мусобақалари қизғин давом этмоқда.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз



«БИЛБОЛ» ЯНГИ СПОРТ ЎЙИНИ

Биз таклиф қилаётган спорт ўйини — «Билбол» бошқа спорт турлари қатори унча мураккаб эмас. Уни боғча ёшидаги болалар, мактаб ўқувчилари ҳамда ёши ва жинсидан қатъий назар барча мухлислар ўйнаши мумкин. Ўйин учун катта жой талаб этмайдиган, йиғма ва доимий ҳолатларда турувчи, қуриш ва қайта қуриш учун кўп вақт талаб қилмайдиган қурилма зарур. Унинг размери узунига 5 метр, энига 2,5 метр ва бошқа ҳолатларда 6 метрга 3 метрли, тўсиқ баландлиги эса 35 сантиметр бўлган ҳолда олти луизали (ялпи тешикли) бўлиб, бильярд столини эслатади. Таг қисми бўлмаган ушбу спорт қурилмасини текис асфальтда, қотирилган қуруқ ерда, бетон қопламали ва ҳакозоларда ўрнатиб ўйнаш мумкин. Шароитга қараб спорт қурилмаси таг қисмига линолиум ковролан ва палос материаллари тўшалади. Бу спорт ўйинини ўйнаш учун жами ўн бир копток керак бўлади. Коптоклардан ўн донаси ўйин қурилмасининг ўрта қисмида, учбурчак шаклида йиғиб қўйилади. Тўплам қаршисига нолинчи копток бир ярим-икки метрлар чамасида қуйилади. Оёқ билан нолинчи копток тепилиб, учбурчак шаклидаги копток тўдаси бузилади.

Ўз-ўзидан спортнинг бу тури инсон учун нима беради деган савол туғилади. Ҳамма гап шундаки, спортнинг бу тури боғча ёшидаги болалар ва мактаб ўқувчилари учун мароқли дам олиш манбаи бўлиб кўнгил очар ўйиндир. Футболга мойил ёшларга копток билан бўладиган сир-асрорларни секин ўргата бориб, уларнинг жисмонан бақувват, соғлом фикр юритиш доирасини кенгайтиришга кўмаклашади. Ўйинчининг ўйин майдончасида ҳар хил ҳаракатланиши рақибининг ўйин машқларини кузатибгина қолмай, психик таъсир доирасини ривожлантиради.

Кудрат НАЗАРОВ,
«Билбол» ўйини муаллифи.



Quvnoq startlar

ПОЙТАХТЛИКЛАР ШОҲСУПАДА

Халқ таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ҳамда «Ёшлик» КСЖ ҳомийлигида ўтказилган «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаси якунланди. Беллашувларнинг бу йилги финалчилари Тошкент шаҳридаги 236-мактабнинг «Машъал» ҳамда Сирдарё вилояти Оқ олтин туманидаги 5-мактабнинг «Оқ олтин» жамоалари бўлди. Телемусобақанинг сўнгги босқичида иштирок этган «Оқ олтин»чилар шу кунгача Самарқанд, Фарғона ва Бухоро вилоятлари ғолиблари билан куч синашган. Жамоа мураббийи Малика Қурбонова қарийб 10 йилдан буён ўқувчилар ўртасида спортни оммалаштириш, барчани баробар қизиқтириш орқали «Қувноқ стартлар»нинг доимий қатнашчиси сифатида эътироф этилган. «Оқ олтин» бу йил финалгача бўлган масофани муваффақият билан босиб ўтган бўлса-да, пойтахтнинг «Машъал»чилари эпчиллик ва чаққонлик бобида ўз устунликларини тўла намоён этди. Қизғин ва муросасиз кечган беллашувлар натижасига кўра «Машъал» жамоаси 18:10 ҳисобида ғалабага эришиб, «Қувноқ стартлар» республика телемусобақасининг бу йилги шоҳсупасини банд этди.

Суратда: мусобақадан лавҳа.
Р.АЛЪБЕКОВ олган сурат

ЭРТАКЛАР — ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАР

Андижондаги "Лола" кўғирчоқ театрида болалар боғчалари ва мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари ўртасида "Биз — Президент фарзандларимиз" шиори остида "Эртаклар болалар қалбида" деб номланган вилоят кўрик-танлови ўтказилди.

"Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси, "Соғлом авлод учун" ҳамда "Болалар" жамғармалари вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбир болаларимиз онгида ватанпарварлик, дўстлик, ботирлик, фидокорлик тушунчаларини шакллантириш мақсадида ўтказилди. Уч босқичдан иборат танловда болаларнинг халқ оғзаки ижодини, миллий қаҳрамонларимизни қай даражада билишлари, зукко ва ҳозиржавоблиги баҳолаб борилди.

Бир-биридан қизиқарли саҳна кўринишларини тайёрлаган, эртак қаҳрамонларига жон бағишлаган иқтидорли болаларнинг санъатини холисона баҳолаган ҳакамлар боғча тарбияланувчилари ўртасида ғолибликни Андижон шаҳар болалар боғчалари вакилларига, бошланғич синф ўқувчилари ўртасида эса Жалолқудуқ тумани кичкинтойларига беришга қарор қилишди. Кўрик-танлов ғолибларига ташкилотлар, тадбир ҳомийларининг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди.

"Туркистон-пресс"

ШОГИРДЛАРИМГА...

Охирги қўнғироқ чалинди бу кун,
Юракни бир силкиб ўтиб кетди у.
Айрилиқ чоғи бу, нима ҳам дердим,
Оламни шу оҳанг тутиб кетди-ку.

Охирги қўнғироқ садоси тинди,
Ўртада айрилиқ қолди бир умр.
Устозлар изидан боринг сизлар ҳам,
Аслида тақдир дер лек ҳаёт ҳақдир.

Охирги қўнғироқ шодлик ва ғамдир,
Юракни бир силкиб ўтиб кетди у.
Айрилиқ чоғида ўттиз қалдирғоч
Қалбларни яралаб учиб кетди-ку.

Аслихон РИЗО,
Иштихон туманидаги 68-мактаб ўқитувчиси

ЭГАСИЗ УЙ

Олис қишлоқ, ғарибгина уй,
Ҳовлисида жимжитлик юрар.
Баҳор ўтар, ўтар фасллар,
Пастак айвон хўрсиниб турар.

Ана узоқ, олис шаҳарда,
Балки қайтмас... узоқ сафарда.
Йиллар эса айланар ҳамон,
Дарвозага термулар айвон.

... Олис қишлоқ чеккасида уй
Ҳамон чалар маъюсгина куй.

ҒАФЛАТ

Ухлаяпсан, тушларинг рангин,
Ташвишларни буткул унутиб.
Ухлаяпсан, ёнингда дунё
Секингина кетмоқда ўтиб.

Ko'ngil bitiklari

Кечани кундузга алмашар дарча,
Сен-чи, ухлаяпсан уйқуда мудом.
Ёнингдан сирғалиб ўтмоқда умринг,
Қачон уйғонасан ухлаган одам?!

Номоз ҚАРШИБОЙ,
ўқитувчи

ТЎН

Ўзбеклар елкага тўн ташлаб қолди,
Тўй ва маъракада, сайил, курашда.
Энди тўн кияди йигитнинг олди,
Водий тарафларда, Самарқанд, Шошда.

Миллатга мерос бу Отабеклардан,
Шаҳарлик киймоқда, киймоқда тоғлик.
Хатолар кетдими ё ўзбеклардан,
Тўй бола киймоқда шойи белбоғли.

Олди очиқ кийган бордир алп келбат,
Кимдир белигача қайриб астарин.
Ўзбеклар тўн кияр турфа хил шояд,
Ўзбеклар тўнини киймас тескари.

ТОНГ ЭДИ...

Тонг эди, Фурқатми, Машраб ё Бобур
Айтди — шеъриятнинг хоини бўлма.
Шеър аслида кўнгул мулкига доир,
Ўзга салтанатга доири бўлма.

Сўзга жон бахш айла, жонни бер доим,
Майлига, шоирнинг қойили бўлма.
Навоий изин ўп, шеър ёз, илойим,
Элнинг ёлғон айтган шоири бўлма.

Ҳамидулла АРСЛОНОВ,
Уйчи туманидаги 15-ўрта мактаб муаллими

QUTLOV

Ҳурматли Умрзоқ ЎРИНОВ!

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Кўп йиллик фидойиларча қилган меҳнатингиз жамики шогирдларингизга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Ниятимиз — ҳамиша соғу саломат бўлинг, яхши кайфият ҳамроҳингиз бўлсин.

Нуробод тумани халқ таълими бўлими ҳамда бир гуруҳ шогирдларингиз.

Ilk qadam

МУҲАНДИСНИНГ ҚИССАСИ

Турмуш ва оилавий ташвишларга «кўмилиб» қолган айрим қаламкашлар ҳам ҳозирги шароитда китоб чиқариб, ўз мухлисларига тортиқ этишга ҳафсала қилаётганлари йўқ. Орамизда эса адабиётдан тамоман йироқ соҳадаги ижодкорлар ҳам борки, уларнинг қўлга қалам олиб, қисса, ҳикоя ёки роман ёзишга журъат этаётганликларини қўллаб-қувватламасдан иложимиз йўқ.

Баҳодир Худойберганов Қорақалпоғистоннинг Амударё туманидан. Ўқитувчининг фарзанди. Илм-маърифат истаб Тошкентга келган Баҳодир болаликдан нималарнидир қоралаб юрар, лекин ҳеч кимга кўрсатмасди. Ижод уни гўёки оҳанрабодек ўзига тортар, баъзан китоб чиқаришга урониб кўрсаммикан, деган ўй миясида чарх урарди.

Тошкент политехника институтининг қурилиш иқтисодчиси факультетини тугатган Баҳодир талабалик йилларидаёқ «Оқибат» деб номланган қиссасини қоғозга туширириб қўйганди.

Яқинда ана шу қисса китоб ҳолида нашрдан чиқди. Ижодкор учун энг қувончли ва унутилмас кун! 3 минг нусхадаги қиссанинг бир донасини қўлига олган муҳандиснинг севинчи дунёга сиғмаганлигини фақат ижод аҳли ҳис қилади.

«Оқибат» қизиқиш билан ўқилади. Оддий қишлоқ йигити Ҳайитбойнинг кечинмалари китобхонни ўзига тортиб кетади. Ҳаётнинг теп-текис йўлдан иборат эмаслиги, ғов ва тўсиқлар инсон иродасини синаши, тоблаши қиссанинг ғоявий мазмунини ташкил қилади. Ҳайитбойнинг ҳамқишлоғи Гулчеҳра билан пойтахтда учрашиб қолиши, хўрланган Кристина билан яқинлашуви ва ниҳоят Наргиза исмли қизнинг ўзига нисбатан ҳурмат-эътибори қисса бош қаҳрамонини гўёки «синов»дан ўтказади.

Ҳайитбой тобланган қаҳрамон сифатида китобхон кўз ўнгида гавдаланади. У том маънодаги ижобий образ, аммо атрофда Ҳайитбойнинг оёғидан чалмоқчи бўлганлар кўп. Охир-оқибатда эзгулик тантана қилади. Ёзувчининг хулосаси шуки, қийналган, боши деворларга урилган киши қачондир рўшноликка, меҳр-оқибатга эришади.

Баҳодир Худойберганов ижодни ташлаб қўйгани йўқ. «Оқибат» уни ижоднинг сермашаққат майдони сари етакламоқда. Унинг галдаги ижод маҳсули — «Сўқмоқлар» романи нашрга тайёрланмоқда.

Ниятимиз холис: ижоднинг сеҳрли оламига мафтун бўлиб қолган муҳандиснинг асарлари китобхонларнинг кўнгил мулкига айлансин!

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

ОҚИБАТ

Xullas...

ОДОБСИЗЛИК-НИНГ «БАҲО»СИ

Тарту шаҳар ҳокимияти маҳаллий талабаларнинг истироҳат боғларида ўзларини ҳаддан ташқари эркин тутишларига нисбатан чора қўллай бошлади. Гап шундаки, «олтин давр»ни бошдан кечираётган йигит-қизлар хиёбонларга ўрнатилган ўриндиқларда нотўғри ўтиришади. Яъни оёқлар ерга эмас, ўтириладиган жойга қўйилади. Айримлари узала тушиб ётиб ҳам оладилар. Натижада ўриндиқларнинг бўёғи тезда кўчиб, айримлари қийшайиб-мийшайиб қолаяпти.

Одобсизлик «баҳоланади». Энди одоб доирасидан четга чиққан дам олувчилар 260 крон миқдорида жарима тўлайдилар.

СИЧҚОННИНГ «ҲАЗИЛИ»

Никоҳ узуги йўқолса, аёл киши қай аҳволга тушади? Сиқилади, йиғлайди, ўзини қўярга жой тополмайди, тўғрими?

Виборглик бир хонимнинг никоҳ узуги магазинда йўқолиб қолди. Афтидан, узук унинг қўлидан сирғалиб тушганда, чаққон сичқонлардан бири ялтироқ буюмни думалатиб, тирқишларга олиб кетган бўлса керак. Чунки ўша куни хизматчиларнинг узукни топиш учун зир югуришлари натижа бермади. Орадан икки ҳафта ўтиб, сотувчилар полга думалаб тушган узукни кўриб, донг қотдилар. Бунга қадар қон ютиб юрган хоним магазинга лоф бўлмаса, минг марта киргандир.

Тўғриси, хонимнинг юраги ёрилаёзди. У ҳайрон эди: бировнинг омонатига хиёнат қилмаган сотувчиларга таъзим қилиши керакми ёки сичқонга? Савдо ходимларига у қайта-қайта ташаккур айтди-я, аммо сичқони тушмагурга бунинг иложи бўлмади...

ЁРДАМ БЕР-ДИ-Ю, ЮҚТИРДИ...

Петер Визе деган тўполончигина боланинг кўзига тасодифан хас тушиб, ҳаловати йўқолди. Болага ўртоқлари ёрдам беролмади. Кўчадан ўтиб кетаётган кўҳликкина қизнинг рўмолчаси билан Петерга яқинлашиб, кўзидаги чўпни олиб ташлаш учун урениши ҳам самарасиз кетди.

Ниҳоят, Петер азобдан қутулди. Ҳалиги қиз тили билан боланинг кўзидаги хасни олиб ташлади. Афсуски, қизнинг тили болага бундан-да каттароқ зарар келтирди. Кўзлари қизариб, ўзини беҳаловат сеза бошлаган Петерни шифокорлар текшириб кўриб, заҳм касаллигини юқтирган, дея ташхис қўйишди.

«Гамбургер абендблат» газетаси ана шу кўнгилсиз ҳодисани шарҳлаган.

ana shunaqa gaplar...

«Маърифат» газетаси таҳририяти «Учитель Узбекистана» газетаси Бош муҳаррири Аҳмаджон Долимовга опаси

Муборак ая АБДУҒАНИЕВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Шавкат Эргашевич Қурбоновга падари бузруквори

ЭРГАШ ОТАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Чилонзор туман халқ таълими бўлими жамоаси 90-мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор муовини Лола Юлдашевага онаси

ТУРСУНОЙ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА ва Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.

Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Жамшид САЪДИНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-377. Тиражи 36.285. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.